ЎЗБЕКИСТОНДА МАКРОИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Маматкулов Илҳом Абдурашидович
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни
ривожлантириш институти ректори, и.ф.д.
https://doi.org/10.5281/zenodo.14504438

Аннотация. *мазкур мақолада дунё мамлакатларида макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги муҳим вазифалар, турли геосиёсий жараёнлар таъсирида юзага келаётган глобал молиявий инқирозлар мамлакатлар аҳолисининг яшаш тарзига таъсири таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликка эришишда инфляцияни жиловлаш, самарали бюджет-солиқ сиёсати юритиш, солиқ юки ва бюджет харажатларини оптималлаштириш, банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш каби йўналишларни такомиллаштириш бўйича таклифлар келтирилган.*

Калит сўзлар: *иқтисодиёт, иқтисодий сиёсат, макроиқтисодий барқарорлик, миграция, камбағаллик, инфлация, ЯИМ, бюджет-солиқ тизими, банк тизими.*

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида содир бўлаётган урушлар, ҳарбий тўқнашувлар, табиат ҳодисалари мамлакатларнинг иқтисодиётига, аҳолисининг яшаш тарзига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Ушбу ҳодисалар таъсирида бутун дунёда ижтимоий-иқтисодий қолоқлик ва мамлакатлар аҳолисининг қашшоқлик даражалари ортиши юзага келади.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бугунги кунда дунёнинг турли нуқталарида нотинчлик сақланиб қолаётган бир даврда барча мамлакатлар ва миллатлар олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифалардан биридир. Статистик маълумотларига кўра, 2024 йилда дунё аҳолисининг сони 8 миллиарддан ошди. Уларнинг 4,04 миллиард нафари эркак, 3,96 миллиард нафари аёллардир. Бу билан эркаклар ва аёллар сони ўртасидаги тафовут 1,018 ни ташкил этмоқда [3]. Дунё аҳолисининг бу даражада кескин ўсиши камбағаллик даражасига барҳам бериш, тўйиб овқатланмаслик, аҳоли соғлигини сақлаш, таълим тизимларини қамраб олиш ҳамда миграция тизимини тўғри ташкил қилиш каби долзарб муаммоларни юзага келтиради.

Эътиборли жиҳатлари шундаки, бутун дунёда кузатилаётган геосиёсий жараёнлар таъсирида юзага келаётган глобал молиявий инқирозлар мамлакатлар аҳолисининг яшаш тарзига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Мазкур глобал молиявий инқирознинг мамлакатимизга таъсирини юмшатиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракат халқларимиз фаровонлигини яхшилашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мамлакатларнинг макроиқтисодий ривожланишини яхлит бир жараён сифатида тадқиқ қилиш, дастлаб Ф.Кенэ томонидан олиб борилган. “Кенэ жадвали”ни тузишда илк бор Ф.Кенэ макроиқтисодий таҳлил элементларидан фойдаланган. XIX асрдан бошлаб макроиқтисодий таҳлилнинг элементлари Ж.Б.Сэй, Л.Вальрас, В.Парето ва бошқалар томонидан ўрганиб борилган.

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий сиёсати макроиқтисодий барқарорликка эришишни кўзлаб ишлаб чиқилади. Инқирозга қарши кўрилаётган чора-тадбирлар ва Ўзбекистон макроиқтисодиётининг ҳимоя воситалари салбий оқибатларни камайтиришда, айниқса, камбағал аҳолига ёрдам беришда муҳим ўрин эгаллайди. Макроиқтисодий барқарорлик иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ҳамда аҳоли фаравонлиги ошишининг кафолатидир. Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, давлат бюджети мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш энг муҳим вазифалардан биридир [1].

Умуман олганда, макроиқтисодий барқарорлик тушунчасига берилган турли хил таъриф ва ёндашувлардан, макроиқтисодий барқарорликнинг моҳиятини англаган ҳолда бугунги шароитда макроиқтисодий барқарорликка қуйидагича таъриф бериш мумкин. Макроиқтисодий барқарорлик – инфляция даражасини жиловлаш, самарали бюджет-солиқ сиёсатини олиб бориш, солиқ юкини камайтириш, давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш, банкларнинг кредит салоҳиятини ошириш, тадбиркорлик, ўз-ўзини иш билан таъминлаш фаолиятига ажратиладиган кредитларни олиш учун қулай шарт-шароит яратган ҳолда мамлакатни иқтисодий танглик ҳолатидан чиқариш заруратидир.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Мамлакатимизда, кейинги йилларда иқтисодий ўсиш рақамлари сезиларли равишда катталашмоқда. Биргина 2023йилни оладиган бўлсак, бу йилда иқтисодий ўсиш 6 фоизни ташкил қилди. Жумладан, саноат соҳаси 6 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳаси 6,8 фоизга, қурилиш соҳаси 6,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги соҳаси эса 4,1 фоизга ўсганлигини эътироф этишимиз мумкин. 2024 йилда ЯИМ ҳажмини камида 6 фоизга кўпайтириб, 100 миллиард долларга етказиш асосий мақсадларимиздан биридир” [2].

Хусусан, келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажми 1,6 баробар ошиши, 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад эса 4 минг долларга етиши кутилмоқда, бунинг натижасида Ўзбекистон қатор “ўртача даромад даражаси юқори бўлган давлатлар” қаторига кириши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. 2023-2025 йилларда ўртача йиллик ЯИМ ўсиш суръати 6,5%ни ташкил этади ва иқтисодиётни кредитлашнинг йиллик ўсиш суръати 16-18% даражасида режалаштиради.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш соҳасида йиллик инфляция даражасини 2022 йилдаги 9 фоиздан 2023 йилгача 5 фоизга босқичма-босқич пасайтириш, шунингдек, 2023 йилдан бошлаб ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиздан ошмаслиги керак бўлган давлат бюджети тақчиллигини камайтириш кўзда тутилмоқда. Дастурий бюджетлаштириш тизимига ўтиш ҳам режалаштирилган. Фуқаролик бюджети қабул қилиниб, аҳоли таклифларидан келиб чиқиб, ҳар бир туман бюджетининг 5 фоизи долзарб масалаларни ҳал этишга йўналтирилади. Ички йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағнинг 50 фоизи жамоатчилик фикридан келиб чиқиб тақсимланади. Йиллик ташқи қарзлар миқдори 4,5 млрд. доллардан ошмайди, давлат қарзлари эса ялпи ички маҳсулотнинг 60 фоизидан паст бўлади.

Эътиборли жиҳатлардан бири шундаки, мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни ўрнатишда яширин иқтисодиёт ҳажмини кескин қисқартиришга эътибор қаратиш лозим. Яширин иқтисодиёт ёки соя иқтисодиёти бу соҳа ҳар бир фаолият туридан

келиб тушаётган даромадларни кам кўрсатиш ёки умуман кўрсатмаслик оқибатида давлат солиқларини кам тўлаш ёки умуман тўламаслик ҳолатлари учрамоқда.

Кишилик жамияти ривожланиб борган сари яширин иқтисодиётнинг турли-туман фаолият турлари намоён бўлмоқда. Нечоғлиқ ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига назар ташламайлик, бу давлатларда ҳам мумкин қадар яширин иқтисодиёт турларининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ҳар бир соҳага жалб этиш зарур. Агар ҳар бир корхона ёки ташкилотларда рақамли фаолият олиб борилса, ўз-ўзидан ушбу корхонага ёки ташкилотга кирим-чиқим ойдинлашади, шу билан бирга, фаолият туридан келиб тушаётган тушумга аниқлик киритилади.

Янги Ўзбекистонни ривожлантиришга оид ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида меҳнатга ҳақ тўлаш ва корхоналар даромадларини шакллантириш каби тушунчаларнинг моҳияти тубдан ўзгарди. Бунинг натижасида иқтисодий самарадорликка бўлган эътибор янада кучайди. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини икки гуруҳга – хусусий ва умумий кўрсаткичларга бўлиш мумкин. Макроиқтисодий барқарор-ликка эришишда иқтисодий самарадорликни тавсифловчи алоҳида кўрсаткичларга, яъни меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳамда моддий ва молиявий ресурслардан самарали эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, макроиқтисодий барқарорликка эришишда аҳолининг кам таъминланган қатламларини ҳисобга олиш ниҳоятда долзарб ҳисобланади ҳамда аҳолининг ҳаёт тарзига ниҳоятда катта таъсир кўрсатади. Макроиқтисодий барқарорликка эришишда инфляция даражасини жиловлаш, самарали бюджет-солиқ сиёсатини олиб бориш, солиқ юкини камайтириш, давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш, банкларнинг кредит салоҳиятини ошириш, тадбиркорлик, ўз-ўзини иш билан таъминлаш фаолиятига ажратиладиган кредитларни олиш учун қулай шарт-шароит яратиш меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш орқали макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик –ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017 й. 24-бет.

2. Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш бўйича устувор вазифалар муҳокама қилинди *(president.uz);*

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари *(stat.uz).*